



“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК  
Фарғона вилоят худудий бошқармаси бошлиги  
Р.Холиқназаровга

### Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 26 Октябр кунги 495 сонли хатингиз ва Ўзбекистон Республикаси президентининг 2022 йил 25 октябр кунги ПҚ-408 сонли қарорига асосан Қўштепа тумани Солижонобод МФЙ худудида яшовчи аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида қуйидаги техник шарт бажарилиши талаб этилади.

### Ичимлик сув бўйича

Қўштепа тумани Солижонобод МФЙ аҳолисини бир кунлик сув сарфи  $660\text{м}^3$  ҳисобланиб, уланиш нуқтаси.1 Солижонобод МФЙ худудидаги мавжуд 1 дона тик ичимлик сув кудугини қайта таъмирлаш, 2 дона замонавий электр тежамкор сув насоси ўрнатиш, 2 дона сув саклаш ховузини таъмирлаш, хлорлаш биносини таъмирлаш, иккинчи сув кўтариш насос станцияси биносини таъмирлаш ва жихозлаш ва электр таъминотини яхшилаш, лойиҳа ва гидравлик ҳисоб китобларига асосан узунлиги 7.0 км бўлган ичимлик сув қувури тортиш замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш ишлари ШНК, ҚМҚ ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилсин.

Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқишда тажрибали лойиҳа институтларини жалб қилган ҳолда лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари қурилиш-монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ бош муҳандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув

объектлари лойиҳа-смета ҳужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиҳа смета ҳужжатлари берилиши шарт. Акс ҳолда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиҳа смета ҳужжатлари келишилмаган ҳисобланади ва мазкур объектлар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида хақиқий деб ҳисобланади.

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ  
Қўштепа туман филиали бош муҳандиси

Ғ.Тўхтасинов

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ  
Қўштепа туман филиали ИЧБ муҳандиси

Л.Холбоев

